

---

# СОЛИҚЧИ ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ ТАЪМОЙИЛИ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-КУВВАТЛАНМОҚДА



Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Туманимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини манфатини қонуний йўл билан химоялаш, уларга кўмаклашишда Данғара туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. “Солиқчи- тадбиркорга кўмакчи”тамойили асосидаги ҳамкорлик ҳар икки томон учун ижобий натижа бермоқда.

Жорий йилнинг дастлабки ойида 15 та тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиниб, ҳар бир субъект раҳбарлари билан давра суҳбатлари ўтказилиб уларнинг фаолияти давомида дастлабки бухгалтерия ҳисоботларини ўз вақтида туғри юритилиши, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ва бошқа йуналишлар буйича маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари иқтисодий қийинчиликларга учраган 4 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қайта тикланиб улар ҳам солиқ соҳасидаги шароитлар ва имтиёзлардан фойдаланиб келмоқдалар.

“Солиқчи –тадбиркорга кўмакчи” табойили доирасида шўъба ходимлари томонидан 86 та тадбиркорлар фаолияти ўрганилиб зарур кўмаклар берилган ҳолда аниқланган 79 та корхоналарнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этишга эришилди.

**Туман Давлат солиқ инспекцияси**

**“Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш”**

**шўъбаси бошлиғи**

**Н.Толибжонов**

**[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)**

**[Facebook](#),**

2022-01-29 09:18:23